
Маҳаллада тарғибот тадбири ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан Республика Маънавият ва маърифат маркази Бағдод тумани бўлинмаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда маданият бўлими ҳамкорлигида "Чўринди" маданият саройида "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шиори остида олимлар, ижодкорлар, спортчи ёшлар ҳамда санъат ва маданият соҳаси вакиллари билан иборат тарғиботчилар гуруҳи иштирокида маънавий-маърифий учрашув бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда аҳоли вакиллари, маҳалла фаоллари, нуронийлар ҳамда тарғиботчилар иштирок этди.

Тадбир давомида олимлар, ижодкорлар, спортчи ёшлар ҳамда санъат ва маданият соҳаси вакиллари ўз ижод намуналари билан йиғилганларга кўтаринки кайфият улашишди. Шунингдек, нуроний отахон ва онахонлар Янги Ўзбекистонда Юртбошимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислохотларга шукроналик билдириб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини тилиб дуо қилдилар.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.
2022-08-23 19:44:21